

ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ҚАДИМГИ ЯШАШ МАНЗИЛГОҲЛАРИ

Ўроқова Дилдора Қодировна (ТАҚУ)

Аннотация:

Ушбу мақолада Бухоро худудидаги қадимги яшаш манзилгоҳлари ва Зарафшон дарёси этакларидан топилган яшаш манзилгоҳлари билан танишасиз. Бундан ташқари қадимги Суғд маданиятига мансуб урбанизациялашган дехқон ва ҳунарманд оиласаларнинг яшаш манзилгоҳлари ҳам ёритилган.

Annotation:

In this article, you will get acquainted with ancient settlements in the Bukhara region and settlements found at the foot of the Zarafshan River. In addition, the settlements of urbanized peasant and artisan families belonging to the ancient Sugdian culture are also covered.

Аннотация: В этой статье вы познакомитесь с древними поселениями в Бухарской области и поселениями, найденными у подножия реки Зеравшан. Кроме того, охвачены поселения урбанизированных крестьянских и ремесленных семей, принадлежащих к древней согдийской культуре.

Калит сўзлар: Суғд маданияти, Қумработдаги қадимги қишлоқ, Моҳандарё, Гурдуш, Гужайли, жез даври топилмалари, Қалқонота ва Конимек қишлоқ ҳаробалари, Қумработ, Арабон ва бошқалар.

Keywords: Sugdian culture, ancient village in Qumrabit, Mokhandaryo, Gurdush, Gujayli, findings of the Bronze Age, Kalkanota and Qonimekh village ruins, Qumrabit, Arabon and others.

Ключевые слова: Согдийская культура, древние селения в Кумработе, Мохандарье, Гурдуше, Гуджайли, находки эпохи бронзы, руины селений Калканота и Конимех, Кумработ, Арабон и др.


КИРИШ

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва 1 минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёning даштлик ерларида яшаётган аҳоли хаётида содир бўлганидек, Зарафшон водийси куйи қисмидаги қабилаларнинг чорвачилик хўжалигига ҳам тез суръатлар билан ривожланиш жараёни кузатилади. Дарё аденинг дехкончилик учун қулай

ерларида ярим кўчманчи чорвадорларнинг маълум кисми ўтроқлашиб, янги-янги дехкон жамоалари шаклана бошлайди. Аммо суви куриб бораётган Мохондарё, Гурдуш ва Гужайли ўзанларининг Даشتликка айланиб бораётган ҳавзасининг географик шароити ахолиси купайиб тобора кенгайиб бораётган ўтрок хаёт учун нобоп бўлиб қолади. Тадқиқотчи Муҳаммаджонов.А ўзининг “Қадимги Бухоро тарихи” китобида шундай деган:”Ярим чорвадор ва ярим дехкон қабилалар бу қадимги ўлкани тарк этиб, ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий кисмларига - Кизилтепа ва Вобкентдарё адокларига томон силжигани кузатилади”¹. Варахшадан 20 км ғарбда Боштепа гуруҳи номи билан машҳур бўлган ёдгорликлар теварак атрофида. Кизилтепада, Хужабустон, Бояздий шаҳар харобасининг остки катламларида қайд этилган сўнгги жез даври топилмалари бунга ёрқин далил бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Куйи Зарафшонда милоддан аввалги II минг йилликнинг охириларида ва милоддан аввалги I минг йиллик бошларида яшаган ибтидоий қабилалар Зарафшон этаклари, хусусан ҳозирги Олот, Коракўл, Жондор ва Рометон атрофларида чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик ва турли касблар билан шуғулланишган ва ривож топиб, бу жойлар Бухоронинг қадимги чорвадор ахолиси учун кенг яйловга, овчи ва балиқчилари учун кулай масканга айланган.



¹ А. МУҲАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991.

Ўрта Осиёнинг даштлик ерларида яшаётган аҳоли хаётида содир бўлганидек, Тадқиқотчи Муҳаммаджонов Зарафшон водийси куйи қисмидаги қабилалари ва уларнинг турмуш тарзи хақида шундай дейди:” чорвачилик хўжалигида ҳам тез суръатлар билан ривожланиш жараёни кузатилади. Дарё адогининг дехкончилик учун қулай ерларида ярим кўчманчи чорвадорларнинг маълум кисми ўтроқлашиб, янги-янги дехкон жамоалари шаклана бошлайди. Аммо суви куриб бораётган Моҳондарё, Гурдуш ва Гужайли ўзанларининг Даشتликка айланиб бораётган ҳавзасининг географик шароити аҳолиси қупайиб тобора кенгайиб бораётган ўтрок хаёт учун нобоп бўлиб қолади”². Ярим чорвадор ва ярим дехкон қабилалар бу қадимги ўлкани тарк этиб, ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва шимоли-ғарбий кисмларига - Кизилтепа ва Вобкентдарё адоқларига томон силжигани кузатилади. Тадқиқотчи яна бир фикрни ,яни Варахшадан 20 км ғарбда Боштепа гурухи номи билан машхур бўлган ёдгорликлар теварак атрофида. Кизилтепада Хужабустон Бояздий шаҳар ҳаробасининг остики катламларида қайд этилган сўнгги жез даври топилмалари бунга ёрқин далилдир³. Айни шу даврда Зарафшон водийсининг юқори ва ўрта кисмларидаги сон-саноксиз сой этакларида, чашмалардан ҳосил бўлган сизот сувлар ёқаларида ўтрок дехкон жамоалари қишлоқлари пайдо булиб, уларнинг атроф чорвадор аҳоли билан бўлган мулоқоти кучайиб боради. Бир томондан, дехкончилик ҳамда чорвачиликнинг юксалиши, иккинчи томондан, касб-хунар, хусусан маъдан эритиш ва ундан курол-ярок, асбоб-ускуна ва зеб-зийнатлар ясашнинг ривож топиши, учинчи томондан эса, дехкон ва чорвадор аҳолилар ўртасида айрбош савдонинг кенгайиб бориши Зарафшон водийсида ҳам урбанизация қадимги Суғд жараёнини кучайтириб, маданиятининг шаклланишига олиб келади. Бу жараён шубҳасиз ишлаб чикиришда янги хом ашё-темирни тоблаб, ундан курол- ярог ясашга ўтиш билан чамбарчас boglik булиб, бу давр археология фанида «Темир даври» номи билан юритилади. У милодгача бўлган 1 минг йилликда бошланган.

Қадимги Суғд маданиятига мансуб урбанизациялашган дехкон ва хунарманд жамоаларининг милодгача бўлган VII-V асрларга мансуб қишлоқлари аввал ўрта Зарафшонда, ҳозирги Самарқанд шахри ва унинг теварак атрофларида, чашма сувлар ва сой жилғалари буйида қад кўтариб, сўнгра аста-секин Зарафшон водийси бўйлаб янги-янги ерлар ўзлаштирила борган. Навоий вилоятининг Қалконота ва Конимех ноҳияларида, Бухоро вилоятининг қадимги Варахша ерларидан ғарброкда қайд этилган бундай қишлоқларнинг ҳарбалари ва мозорқўрғонларга караб фикр юритадиган булсак, милодгача бўлган VI-V асрларда факат ҳозирги Бухоро воҳасининг шимолий ва

² А. МУҲАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991.

³ А. МУҲАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991.

шимоли- Фарбий ҳудудларигина - Конимех ва Вобкентдарё адодидаги ерлар ўзлаширилиб, бу ерларда ўтрок дехкончилик кишлоклари қад кўтара бошлагани кузатилади.



Бироқ воҳанинг асосий қисми хали чакалакзор ва қамишзор партов ерлардан иборат бўлган. Чунки бу давр да Зарафшон сувлари водийнинг Самарқанд қисмida дехкончилик учун мутлако сарф бўлмай, унинг йиллик окими Бухоро ерларида халқоб булиб ётар, Хатто унинг этагида (хозирги Коракул ва Олот нохиялари худудида) илк ўрта аср ёзма манбаларида тасвирланган машҳур «Боргини Фароҳ», яъни «Улкан кул» хосил бўлган эди⁴.

Бухоро воҳасида энг қадимги қишлоқларнинг пайдо булиш жараёнини X аср Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршахий куйидагича таърифлаган: «Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вакт ўтиши билан одамлар йиғилишиб иморатлар курдилар... Хали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, баъзилари пайдо бўлган эди»⁵. лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди.

⁴ А. МУХАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991

⁵ Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” IX аср.

Варахша ва Конимех атрофларида қайд этилиб тадқик қилинган милоддан аввалги VI-V асрларга мансуб дехқончилик қишлоқлари ўрнашган ерларнинг географик шароити Наршахий тасвирлаган қадимги манзарани эслатади. Тарихчи Наршахийдан ташқари тадқиқотчи Муғаммаджоновни хам шундай фикрлари бор: Кишлок харобаларининг деярли ҳаммаси дарё тармоқларининг арналари ёқасида жойлашган. Сувга яқин бундай ерларда дехқончилик килиш анча қулай бўлган. Бундай кишлоқлар харобалари Конимех нохиясидан 5 км ғарброкда Кумработ, Арабон-1, Арабон-2 ва Чордара⁶ деган жойларда, айникса яхши сакланган. Бу ёдгорликларни, жумладан Кумработ кишлок харобасини синчиклаб текшириш натижасида Бухоро вохасида, хусусан унинг шимолида қад кўтарган илк кишлоқларнинг качон курила бошлагани, тархи - иморатларининг тузилиши, хужалик хаёти, айникса ҳунармандчилик билан боғлик бўлган жуда кўп масалаларга ойдинлик киритди. Милоддан аввалги VI-V асрларга мансуб бу нодир ёдгорлик Чордарадан жанубда, Кумработ кишлогидан 0,5 км жануби-гарбда жойлашган. Ёдгорликнинг бир қисми бузиб юборилган. Кишлоқ харобасининг сақланиб қолган қисмининг майдони 45x50 метрга teng булиб, 9 хонали каттагина уй, ҳовлиси ҳамда кулолчилик устахоналари бор, атрофи қалин девор билан ўралган мустахкам қўрғондан иборат. Қурғон ва иморат деворлари пахсадан урилган, қалинлиги 1,2-2,2 м, 0,6 м баландликда сакланган. Кулолчилик устахонаси алоҳида бўлиб, қўрғоннинг шарқий томонида жойлашган. Унда сопол идишлар пишириладиган диаметри 1,1 метр келадиган икки қўрали хумдон бор. Унинг юкори курси бузилиб, оловхонаси ичига қулақ тушган. Унинг ичидаги кулолчилик чархидаги ясалган кўпдан-қуп лаби юпка, гардиши ясси, жарангдор кува ва кувачасимон, тоғорасимон сопол идишлар ва уларнинг бўлаклари калашиб ётарди⁷ деб айтган эди тарихчи Муҳаммаджонов ўз китобида.

Конимехнинг VI-V асрларга мансуб археологик ёдгорликлари орасида нохия марказидан 5 км ғарбда жойлашган Чордара тепалиги айникса диққатга са- зовор. Унинг майдони 40x20 м, баландлиги эса 11 м га teng. Бу баланд тепалик ости қатламишининг узунлиги 56 см, эни 28-30 см, қалинлиги 7-8 см келадиган йирик хом ғишт ҳамда пахсадан урилган истеҳкомли қўрғоннинг харобаларидан иборат. Унинг ташқи девори ва бир нечта хоналарида равоқсимон эшик ўринлари ҳозиргacha жуда яхши сакланган⁸. Қадимги Конимех вохасида яшаган ўтрок дехқонларнинг мозор қўрғонлари Шодибек ҳамда Қалқонота қишлоқлари яқинида қазиб ўрганилди. Гарчи қабрларнинг аксарияти ўша замонларда ёқ қазиб очилиб, дағн ашёлари ўғирлаб кетилган бўлсада, ҳар ҳолда у

⁶ А. МУҲАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991

⁷ А. МУҲАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991

⁸ А. МУҲАММАДЖОНОВ “ҚАДИМГИ БУХОРО”(Археологик лавхалар ва тарих) -ТОШКЕНТ-1991

ўша замон дафн маросими тўғрисида айрим маълумотларни берди. Шу маълумотларга асосланиб фикр юритиш имконига эга бўлдик. Мозор қўрғонлари диаметри 7-18 м, баландлиги 0,5-1,5 м келадиган яссоланиб кетган гумбазли қабрлардан иборат бўлиб, гўрхонаси унинг марказида жойлашган. У тўртбурчак, тухумсимон чўзик шаклда. Ҳажми 2-2,2x 0,6-0,9 м, чукурлиги 0,4-0,6 м га teng⁹. Марҳумлар чалқанчасига боши шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Эркак скелетларининг кўпида бел кисмida бир томони тешилган тош қайроқлар

учраган. Қабрлардан бирида калла суюги ичида жездан ясалган уч парракли зугатаси найчасимон камон ўқининг пайкони, иккинчи қабрдан эса лаби юпка, туби текис жарангдор банкасимон идишгина қайд этилган. Озлигидан катъи назар, бу ашёлар Конимех нохиясида топиб ўрганилган қадим қишлоқлар тархлари ва улардаги маданиятнинг бир қисмини бўлсада ёритиб бер.

Кейинги йилларда Варахша атрофида, айниқса унинг ғарбий томонида Вобкент дарёсининг кўхна адогида жойлашган Боштепа теварагида қайд этилган VI-V асрларга мансуб қишлоқ харобаларини ўрганиш давомида қадимги аждодлар ва уларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш учун имконият ва бундай ёдгорликларнинг мавжудлиги шубҳасиз Бухоро воҳасида илк шаҳар маданиятининг шаклланиб ривожланишида улар муҳим роль ўйнаганидан далолат беради. Шунинг учун хам Наршахий Бухоро воҳасида кад кўтарган энг қадимги қишлоқлар ҳақида хикоя килганида “Варахша-катта қишлоқлар жумласидан бўлиб ...у Бухоро шаҳридан қадимириоқдир”¹⁰ деб ёзади. Наршахийнинг бу маълумоти ҳақиқатга анча яқин бўлиб, уни 1975- 1977 йилларда Варахша шаҳар харобасининг қатламларида қайд этилган маълум даражада тасдиқлайди. остики археологик топилмалар.

Хулоса

Шундай қилиб, Бухоро воҳасида, хусусан унинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларида илк шаҳар типидаги урбанизациялашган қишлоқлар милодгача бўлган ва VI-V асрлардаёқ қад кўтара бошлаган. Улар замонбоболик қадимги хонаки чорвадор дехконларнинг ярим ертўла ҳамда енгил чўпкори чайлалардан тубдан фарқ киладиган йирик хом ғишт ва пахсадан бино килинган, атрофи девор билан ўралган, хунармандчилик анча-мунча ривож топган истеҳкомли қишлоқлар эди. Улар, шубҳасиз воҳада шаҳар маданияти юксалиб, шаҳарларининг қад кўтаришида асосий пойdevor бўлиб хизмат қилган.

⁹ Мұхаммад Наршахий “Бухоро тарихи” IX аср.

¹⁰ Мұхаммад Наршахий “Бухоро тарихи” IX аср

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А. Мухаммаджонов “Қадимги Бухоро”(археологик лавхалар ва тарих) -тошкент-1991
2. Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” IX аср.
3. Qodirovna, O. D., Shoisoev, R., & Kenjayevich, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Conferencea, 143-145.
4. Shoisoev, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(23), 38-40.
5. Шоисаев, И., & Ўроқова, Д. (2022). ТОШКЕНТ ЭСКИ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ. PEDAGOGS jurnali, 3(2), 67-76.
6. Шоисоев, И. К. (2020). градостроительство и архитектура мирзачуля в эпоху раннего средневековья. in культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования (pp. 65-69).
7. Шоисоев, и. к. (2020). древние памятники Мирзачуля. in культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования (pp. 27-32).
8. Qodirovna, O. D., Shoisoev, R., & Kenjayevich, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Conferencea, 143-145.
9. Shoisoev, I. (2022). TARIXIY SAMARQAND IRRIGATSIYA TIZIMLARI. Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot, 1(23), 38-40.
10. Kadyrovna, O. D. (2022). SAMARKANDNING IRRIGATION SYSTEM. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(10), 83-89.